Е 29497

ЧАРОҒОН ЮЛДУЗЛАР

Тошкентда Коинотни ўрганишга бағишланган йирик анжуман бошланди. Маълумки, буюк мунажжим Улуғбекнинг "Зичи Кўрагоний" жадвали жаҳон илм оламини ҳайратда қолдирган. "Коинот тадқиқотлари, технологияси ва конверция-П" деб номланган илмий-амалий анжуманга АҚШ, Франция, Россия, Украина, Белорусь, Озарбайжон ва Марказий Осиё давлатларининг етакчи олимлари етиб келишди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

УЛУҒБЕК ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ

Урганч қурилиш коллежи олдида ўрта асрнинг улуғ алломаси, фалакиёт илми султони Мирзо Улуғбек ҳайкали ўрнатилди. Танловда ғолиб чиққан ҳайкалтарош Шавкат Усмонов, меъмор Ҳайитбой Ўрозматов ва фан номзоди Ибодулла Бойжоновлар яратган ёдгорликда улуғ бобокалонимизнинг нурли сиймоси акс этган. Ҳайкал Паҳлавон Маҳмуд кўчасига ўзгача кўрк бахш этди.

Рўзимбой ҲАСАН.

ПОКИСТОН МИЛЛИЙ МУЗЕЙИДА ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИМИ

Покистоннинг Исломобод шаҳридаги миллий ҳунармандчилик музейида Ўзбекистон бўлими очилди. Деворий суратларни чизишни Тошкентдаги "Уста"бирлашмаси рассомлари бажардилар. Хуршид Назаров, Тоир Болтабоев, Мирзафар Болтабоев, Маҳмуд Қосимов, Равшан Ниёзов ва бошқа наққошларнинг нафис ва гўзал ишлари мезбонларга манзур бўлди. Асарлар ўзбек халқининг улуғ фарзандлари ва миллий анъаналари ҳақида ҳикоя қилади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ЭЛЧИХОНА ХАЙРИЯСИ

Эртага Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида Қурбон Ҳайити муносабати билан хайрия маросими ўтказилади. Шарқона удумга мувофиқ, қўй ва моллар қурбонлик йўлида сўйилиб, гўшти Тошкентдаги болалар уйлари, ногирон, боқувчиси ни йўқотган оилаларга эҳсон қилинади.

Мирзо АНВАР.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 17 апрель, пайшанба № 46 (22.130).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Партия ахбороти

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

15 апрель куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ойдин Азимбеков, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Учрашув пайтида Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари, жорий сиёсати ва мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги фаолияти ҳақида сўзлаб берди, қардош халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкиллик туфайли янги поғонага кўтарилаётганлигини таъкидлади.

Меҳмон партия Марказий Кенгаши раҳбариятига илиқ қабул учун миннатдорчилик билдириб, Озарбойжонда ҳозирги кунда сиёсий ва иқтисодий аҳвол барқарорлашганлиги. республиканинг халқаро алоқалари кенгайиб бораётгани тўғрисида гапириб берди. Элчи, шунингдек, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг 1996 йилдаги Озарбойжонга ташрифи мустақил мамлакатларимиз, халқларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ҳозирги шароитларда ривожлантиришга катта туртки бўлди, — деб таъкидлади.

Самимий вазиятда ўтган учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиблари И. Кочмарик ва Ҳ. Авезовлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.



ЎЗБЕКИСТОН ДАЛА-ДАШТЛАРИДА.

В. ПОРТНОВ олган сурат.

«ТАНГРИ ЖАМОЛИ» ҲАҚИДА ФИЛЬМ

БУХОРО. Қадимий шаҳар номи тарихчилар таъбири билан айтганда, тангри жамоли маъносини англатар экан. Ўзининг 25 асрлик тўйига ҳозирлик кўраётган шаҳар ҳақида эса 20 серияли фильм яратилмоқда. Фильмни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, республика «Камолот» ёшлар жамғармаси, ҳамда «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамияти, Бухоро ҳокимлиги ҳомийлик қилмоқда.

(Ўз мухбиримиздан).

«ЧЎНТАГИМДАН ЧИҚАРМИДИ?..»

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

«Гурлан» ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги энг йирик енгил саноат мажмуаси. У амалдаги йилдан бошлаб жаҳоний андозалардаги маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Мажмуа — ҳиссадорлик асосида, йирик маблағ эвазига барпо этилди. Қурилиш жараёнида бош булган С. Абдуллаев ўз қўл остидаги маблагдан фойдаланишни ихтиёр этади ва Урганч туманидаги «Шоҳобод» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси билан шартнома имзолайди. Фирма директори Б. Ёқубов ва унинг укаси Ю. Ёқубовлар 1996 йил 3 июнда тузган шартномага кўра ҳиссадорлик жамиятига технологик ускуналар етказиб бериш мажбуриятини олишади. Бунинг эвазига директор С. Абдуллаев ва бош ҳисобчи С. Ускиновлар пай ҳисобига тупланган ўн беш миллион сумни ҳеч қийналмасдан фирма ҳисобига ўтказиб беришади. «Тадбиркор» ака-укалар 1996 йилнинг 3-7 июнь кунлари ҳиссадорлик жамиятига 6 839 355 сумлик ҳар хил электр технологик маҳсулотлар етказиб берилди, деган сохта ҳужжатлар тақдим қилишади...

Ҳисоб рақамига йирик пул тушгани, қули исталган жойга етишини англаган тижоратчи ака-укалар Тошкент шаҳридаги ва бошқа хусусий фирмалардан турли ичимликлар, видео техникалар харид қилиб, савдони чунонам қизитиб юборишади. Лақма директор ва бош ҳисобчининг ҳотамтойлиги «учар фирмачи»ларнинг қисқа фурсатда бойиб кетишларига замин бўлади. Бу ҳотамтойлик раҳбарларга қимматга тушди. Ўзлари шартнома тузаётган фирманинг тулов қобилиятини урганмаганликлари, ҳамда олинмаган товарларни олинди, деб мансабларини суиистеъмол қилганликлари боис қонун ҳимоячилари олдида жавоб беришларига тўғри келди. Мазкур «антиқа шартнома» юзасидан Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205 ва 167 моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилди. Турт нафар масъул ўртоқнинг эндиликда ўз қилмишлари учун жавоб беришлари шубҳасиз.

Вилоят ҳокимлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси раиси муовини М. Рузимбетов ҳам ана шундай «лақма» раҳбарлардан бўлиб чиқди. Бошқармага ишчи ўринлари очиш учун берилган қисқа муддатли кредитдан ноўрин, ҳатто ўз манфаати йўлида фойдаланиш каби нохуш ҳолатлар содир бўлишида унинг роли катта. М. Рузимбетов республика Меҳнат вазирлигининг рухсатисиз, номигагина шартнома тузиб, икки миллион тўрт юз минг сум маблағни «Сердалик» ишлаб чиқариш тижорат компаниясига ўтказиб беради. Маблаг қонунга хилоф равишда мазкур компанияга 1996 йилнинг июль ойида ўтказиб берилганди. Бу пул шу муддатда қайтарилмаган ва уни ундириш чора тадбирлари ҳам кўрилмаган.

Ачинарлиси шундаки, юртбошимизнинг Фармонлари асосида жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, ишчи ўринлари очиш учун имтиёзли ссудалар берилмоқда. Бу маблағлар ҳалол раҳбарлар қўлига тушганда турли корхоналар бунёд этиш, ишчи ўринларини кўпайтириш, халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришдек савоб ишларга сарфланмоқда. М. Рузимбетов ва унинг «саҳий»лигидан фойдаланган «Сердалик» компанияси раҳбарлари қўлига тушганда эса тамомила бошқа мақсадларга хизмат қилмоқда. Компаниянинг тижоратга асосланганининг узиёқ бу ерда фақат олди-сотди авжига чиққанини кўрсатиб турибди. Аммо, М. Рузимбетов буни қаёқдан билсин? Билсада, парвойи палак. Нима маблаг чўнтагидан чиқармиди? Давлатнинг маблаги. Фойдалансинларда. Унга ҳам «улуши» тегиб қолар...

Президентимиз 1995 йил 12 майда қабул қилган Фармонларида халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини тағинда ошириш кўзда тутилган. Фармонда белгиланганки, ҳар бир корхона — ташкилот раҳбари, ҳамкор бўлмиш ташкилот билан олди-бердини йўлга қўйишда етказиб бериладиган маҳсулот, бажариладиган иш, хизмат ҳақининг 15 фоизини олдиндан олиши ёки тўлаши шарт. Айни пайтда ҳамкорлик қиладиган корхона ёки ташкилотнинг тўлов қобилияти ҳам ўрганилиши керак. Акс ҳолда... куйиб қолиш ҳеч гапмас.

Ана шу Фармон ижроси юзасидан вилоят прокуратураси амалдаги йилнинг икки ойи давомида ўтказган текширишлар натижасига кўра қонун талабаларини бузган 52 нафар мансабдор шахслар маъмурий, тўрт нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Қонун талаблари мутлақо бузилган ва ўз хатти-ҳаракатлари билан корхона-ташкилотларига моддий зарар етказган масъул раҳбарларга нисбатан ўн иккита жиноий иш қўзғатилди.

Боғот туман нефть маҳсулотлари базаси ҳисоб рақамига истеъмолчилардан келиб тушган 6307441 сум пулни вилоят нефть маҳсулотлари базасига ўтказиб бериш учун 1996 йил 17 апрель куни туман «Пахтабанки»га 28-сонли тўловнома билан мурожаат қилади. Банк мутасаддилари эса тўловномада кўрсатилган миқдорнинг атиги ярми, яъни уч миллион сумни ўтказиб берадилар, холос.. Қолган миқдор маблаг эса «гадойтопмас» кучаларда кимларгадир «хизмат» қилиб юраверади...

3 307 441 сумни вақтида ўтказиб бермагани, тулов муддатини ҳеч бир асоссиз чўзиб юборгани учун вилоят хўжалик суди «Пахтабанк» Боғот бўлимига 2 миллион 643 минг 517 сум миқдорида жарима солди. Жарима ундирилди. Кимдан дерсиз? Албатта, банкдан.

Банк ходимлари бу ҳунарлари билан ўз муассасаларига икки ярим миллиондан зиёд зарар келтиришди. Хизмат вазифасига виждонсизларча муносабатда бўлган банк бошқарувчиси вазифасидан олиб ташланди. Айни кезда туман прокуратураси жиноий иш қўзғади.

Худди шундай тулов интизомларини бузган Янгиариқ туман «Тадбиркорбанк» бўлими ҳамда вилоят «Мевасабзавотбанк»и ходимларига нисбатан ҳам жиноий ишлар қўзғатилган.

Бундай мисоллар кўп. «Саноатқурилишбанк» бўлим бошлиги А. Қулмедова тулов қобилиятини ўрганмасдан «Ориентир» қўшма корхонасига бир миллион сум бериб, чув тушиб қолган булса, Урганч туман «Бройллер» ҳиссадорлик жамияти раиси Р. Каримов ва бош ҳисобчиси А. Юсуповлар икки миллион 915 минг сум дебитор қарзларини ундириб олиш ҳақида бош қотирмасдан, ўз корхоналарига моддий зиён етказишган.

Дебитор қарзларини ундирмаслик, маҳсулот жўнатаётган ёки хизмат кўрсатаётган корхона имконларини ўрганмасдан, кейин икки орада югуриб, пулларини, ололмаётган корхона-ташкилотлар учраб турибди. Бундай корхоналарда раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, лоқайдлиги ва қонунларни писанд қилмаслиги аввало шу ерда хизмат қилаётган ишчи-хизматчиларга қимматга тушмоқда. Уларга иш ҳақи ўз вақтида тўланмайди, пуллари турли жойларда «ўлик жон» бўлиб ётгани учун ҳиссадорлар тегишли дивидендларини ололмайдилар.

«Чўнтагимдан чиқармиди?» деган фикрда иш юритиб, ўз корхона-ташкилоти пулидан «овсар»лик билан фойдаланишнинг оқибати вой бўлишини энди англаб етадиган вақт келди.

Юсуфбой РАҲМОНОВ,
Хоразм вилоят прокурори,
Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муҳаррир минбари

ҲАҚИҚАТ РОССИЯДАН ҲАМ УСТУН

Ҳақиқат Россиядан ҳам устун, деб ёзган эди улуғ ёзувчи Фёдор Достоевский. У, шубҳасиз чор Россияси ҳақида шундай фикр билдирганди. Ростдан ҳам мазмунида ҳақиқат бўлмаган ҳар қандай Ватан қумдан тикланган омонат «қўрғонча»га ўхшайди, узоқ яшамайди.

Россиянинг энг йирик газ монополисти бўлган «Газпром»нинг саховат кўрсатиб, мамлакат оммавий ахборот воситаларига «ҳомийлик қилиши» ҳамда «Труд-7» газетасининг шу йил 11 апрель сонида босилган «Якдил қарор: «Газпром» фойдасига» сарлавҳали ахборотнинг мазмуни Достоевскийнинг ҳақиқат борасидаги мулоҳазасини эслатди бизга. Хабарда ёзилишича, бир ой илгари ташкил этилган «Газета «Рабочая трибуна» ёпиқ акционерлик жамияти ҳиссадорлари йиғилиши ўз акцияларининг бир қисмидан «Газпром» Россия ҳиссадорлик жамияти фойдасига воз кечишга қарор қилганлар. Газета бош муҳаррири биринчи ўринбосарининг маълумотига кўра, фақатгина моддий эмас, сиёсий нуқтаи назардан ҳам шундай йўл тутилган. Хабарда, пировардида, тузилиши мўлжалланаётган шартномада ҳиссадорнинг таҳририят ички ишлари — редакция сиёсатига аралашмаслиги тўғрисида алоҳида келишиб олиш режалаштирилгани баён этилади.

Русларда яна, ҳар нарсани ўз номи билан атайлик, дейилади. Ўз номи билан айтсак, бу таҳририятнинг бир меъёрда фаолият кўрсатиши учун «пул бериб қўйган» йирик магнатнинг газетани ўз йўриғидан юргизишга уриниши эмасми? Русларнинг ўзида: «Пулини берган одам хоҳлаган қўшиғини буюртиради», деган мақол бор. «Интернешнл Геральд Трибюн»нинг маълумотига кўра бугунги кунда «Газпром»дан субсидия ва инвестиция олаётган Россиянинг 29 та газета ҳамда бир қанча телестанциялари «Газпромнинг» «қўшиғини айтишга» мажбур бўлмоқда. Зеро, ўзимизда, кимнинг аравасига чиқсанг, ўшанинг қўшиғини айтасан, дейилади.

Демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлат қуришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёс. Матбуот бежиз тўртинчи ҳокимият дейилмайди. Жамоатчилик фикрини уйғотиш, шакллантириш, бир мақсадга йўналтириш ишини матбуотгина бажара олади. Шундай экан, оммавий ахборот воситалари дахлсиз, эркин бўлиши зарур. Шундагина матбуот тўғри сўзни, Россиядан ҳам улуғ бўлган ҳақиқат манфаатларини ифода эта олади. Сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги фуқаролар эркинлиги ва давлат мустақиллигининг кафолатларидандир. Оддий шу меъёр ва кафолатлар сақланмас ва мустаҳкамланмас экан, демократия ҳақидаги фикрлар, уни ўрнатиш борасидаги уринишлар хўжакўрсинга бўлиб қолаверади. Биз Россияда айнан шундай бўлмоқда, деган мулоҳазани билдиришдан йироқмиз. Бироқ, фактлар мантиғи бизни дамба-дам шу фикрга етаклаб келаверади. Беш-олти йил орасида мустақилликка эришиб, «қўлдан чиқиб кетган» ёш давлатларга аламзадалик билан «демократия», «иттифоқ» дея жар солинаётган Россияда демократия пулдорларнинг ўз истагини қондириши, шу йўлда фуқаролар ҳуқуқи ва давлат қонунларини поймол этиши воситасига айланиб бормоқда. Йўқса, давлат бюджетидан катта миқдорда қарздор бўлган «Газпром» моддий манфаат ва сиёсий капитал излаб топиш йўлида матбуот кучидан фойдаланиш «компания»сини бошлаб юбормаган бўлар эди. Биз «Газпром» оммавий ахборот воситаларини «сотиб олишга» сарфлаётган пулини давлатдан қарзини узишга йўналтирса маъқулмасми, демоқчи эмасмиз. Бироқ Россиядек давлатда матбуотнинг молия гигантлари қўлида қўғирчоқ бўлиб қолаётгани ҳар қандай кишини ажаблантиради. Ваҳоланки, «Интернет» жаҳон ахборот тизими маълумотларига кўра, Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари Борис Немцов ва Россия ҳиссадорлик жамияти «Газпром»нинг раҳбари Рэм Вяхирев компаниянинг давлат бюджети олдидаги қарзини узиш бўйича келишиб олганлар.

«Газпром»га бизнинг ғайирлигимиз йўқ. Хоҳласа, яна да кўпроқ газеталарга «ҳомийлик» қилаверсин. Қолаверса, мулоҳазаларимиз «Газпром» ҳақида эмас, Россиядаги демократия ҳақида. Ўзбекистонда демократия йўқ, инсон ҳуқуқлари чекланмоқда, қабилидаги ғараз уфуриб турган мақолаларни ёзишдан толмаётган Россия матбуоти олдин ўзининг у ёқ-бу ёғига қараб олса, рус демократияси пулдорларга хизмат қилувчи демократияга айланиб қолганини мардлик билан тан олса бўларди. Россияда матбуот эркинлиги ҳақидаги гап-сўзлар сафсата эканини тан олиб, мамлакат журналистлар уюшмаси президенти Всеволод Богданов биз юқорида номини қайд этган «Интернешнл Геральд Трибьюн» мухбирига шундай дейди: «Бугунги НТВ телевидениенинг қандай қилиб бизнесга айланиши мумкинлигига ноёб мисол бўла олади».

Россия демократияси бугун дарди оғир бемордек ночор аҳволда қолди. Молия магнатлари эса уни даволаш хусусида эмас, унинг касалидан сиёсий капитал орттириш қайғусидадир. Оммавий ахборот воситалари ва радио-телевидение ҳар хил сиёсий гуруҳлар, магнатлар, гигантларнинг сиёсий қуролига айланмоқда. Улар «Газпром»га ўхшаб, бу қуролдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар. Имперячи дардига мубтало бўлган айрим тоифадаги россияликлар учун Ўзбекистонга туҳмат тоши ёғдириш ҳам ана шу манфаатлар доирасига кирадиганга ўхшайди. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик тизимни қарор топтириш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, матбуотни тўртинчи ҳокимият даражасига кўтариш борасида улкан ишлар, бу борадаги вазифаларни изчиллик билан амалга ошира бориш, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрашимиз — истиқболимизга ғараз билан қараганларга берган жавобимиз бўлади.

БИЗНЕС-ФОНД — ИҚТИСОДИЁТИМИЗ КЎМАКЧИСИ

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди — «Бизнес-фонд» ҳозиргача 2311 тадбиркорга кичик бизнес учун 2 миллиард 840 миллион сўмлик имтиёзли кредит берди. Бу кредитларнинг ўзлаштирилиши натижасида минглаб янги иш жойлари ташкил этилди. Ажратилган маблағлар таркибида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, маҳаллий саноат молларини ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш устун кўрсаткичларга эга. Маблағларнинг 70 фоиздан ортиқроғи қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган. 1995 йил августидан шу йил январь ойигача 52 миллион АҚШ доллари ҳажмида кредит маблағлари ажратган «Бизнес-фонд» бугунги кунда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида янги ташаббусни бошлаб берди.

«Бизнес-фонд» бошқаруви раисининг биринчи муовини Собир Комилович УМЕДОВ билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда.

— Ўтган йил январида ва шу йилнинг мартида «Ташаббус — 95» ва «Ташаббус — 96» танловларини муваффақиятли ўтказганлигингиздан хабаримиз бор. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича яна бир ташаббусга қўл урибсизлар. Шу ҳақда батафсилроқ сўзлаб берсангиз.

— Кейинги ҳафтада биз республикамизнинг барча вилоятларига жўнаб кетамиз. Мақсадимиз — «Бизнес-фонд» томонидан аввал молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг устама фоизларини камайтириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиялари ишларини бошлаб юборишдир. Унинг таркибига жойларда бизнинг вакилларимиз билан ҳамкорликда ҳокимликлар, «Мадад» суғурта агентлиги, «Ўзтадбиркорбанк» бўлимлари назорат органлари, «Маҳалла» ҳайрия, «Камолот» жамғармалари, тижорат банклари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, шунингдек, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари жалб этиладилар.

— Кимлар учун кредит фоизлари камайтирилади?

— Биз тадбиркорларга ажратилган имтиёзли кредитлар устама фоизларини камайтириш тартибни ишлаб чиқдик. Унда бир қатор омиллар билан бирга тадбиркорларнинг ҳалол, мақсадли равишда иш олиб бораётганликлари, умумий талабларга қатъий риоя қилаётганликлари, уларнинг кредит устама фоизларини ўз вақтида тўлаётганликлари ҳисобга олинади. Кредит устама фоизларини камайтириш учун бу маблағларнинг мақсадли ишлатилаётганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Тадбиркорнинг суғурта шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни тўла-тўкис бажараётганлиги ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу шартларни қайси тадбиркор тўла бажарган бўлса, «Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги ва банк бўлимлари томонидан 10 кун муддат ичида унинг аризаси кўриб чиқилади ва имтиёзли кредит устама фоизини камайтириш юзасидан узил-кесил қарор қабул қилинади.

— Ундан кейин-чи? Айтайлик, ариза ижобий ҳал этилди...

— «Бизнес-фонд» ўша тадбиркор билан кредит устама фоизини камайтириш ҳақидаги асосий шартномага яна қўшимча шартнома тузади ва бу шартноманинг бир нусхаси «Мадад» суғурта агентлигига тақдим этилади.

— Қайси ҳолларда тадбиркорнинг устама фоизларини камайтириш бўйича аризаси рад этилади?

— Агар кредит ва кредит устама фоизларини қайтариш муддати ўтиб кетган бўлса, шунингдек олинган кредитларнинг мақсадсиз ишлатилганлик миқдори 5 фоиздан ортиқ бўлса. Мабодо тадбиркор олган кредитининг фоизларини мутлақо тўламай — фоиз тўловларидан бош тортиб келаётган бўлса, бундай шахсларнинг аризалари инобатга олинмайди.

— Собир Комилович! «Бизнес-фонд» бошқаруви топшириқларини ўз вақтида бажармаганликлари, молия ва кредит лойиҳалари таҳлилида камчиликларга йўл қўйганликлари учун бир қатор вилоят раҳбарларига, бош ҳисобчиларга ва кредит бўлими бошлиқларига амалдаги қонун ва тартибга кўра чоралар ҳам кўрилди-ку.

— Ҳа, 48 нафар тадбиркорга нисбатан республика прокуратура органлари томонидан жиноий иш қўзғатилган. 108 нафар кредит олган тадбиркорларнинг ишлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида кўриб чиқилмоқда, 38 та фирмага нисбатан даъво аризалари билан хўжалик судларига мурожаат қилинган. Кредит шартномаси муддати тугаб, қарзни ўз вақтида қайтара олмаган 105 та қарздор корхоналар юзасидан суғурта компанияларига даъво хатлари билан мурожаат қилинди.

Бундай ҳолат юзага келишининг асосий сабабларидан бири, «Бизнес-фонд» қайта ташкил этилгунга қадар берилган кредитларнинг устама фоиз ставкаларининг баландлиги эди. Кредит олган кўпчилик тадбиркорлар, айниқса, ишлаб чиқариш, фермерликни ривожлантириш учун олинган кредитларнинг ҳамма устама фоизларини ҳамда кредит миқдорининг ҳаммасини 1 йил ичида қайтаришга қодир эмас.

Тадбиркорларнинг лойиҳалари асосида берилган кредитлар бўйича 1361 марта мониторинг ўтказилиши режалаштирилган эди. 1996 йилда жами 1692 марта мониторинг ўтказилди.

Ҳозирда «Бизнес-фонд» ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган кредитлар ва уларнинг устама фоизларини қайтарилиши бўйича барча чоралар кўрилмоқда.

Тадбиркорларга «Бизнес-фонд» томонидан кредит ажратиш лойиҳаларини танлаш ишларида ҳудудий бошқарма, бўлимларимизда жойлардаги ҳокимлик, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, маҳалла жамғармаси, банклар ва бошқа жамоа ташкилотлари вакилларидан иборат Мувофиқлаштириш кенгаши фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришда ишлаб чиқаришга чет эл сармояларини жалб этиш алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги кунда фаолиятингизнинг ана шу устивор йўналишларидан бири ҳақидаги фикрингиз?

— Жаҳондаги машҳур фирма ва компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ўз самарасини бера бошлади.

1995 йил декабрь ойидан бошлаб «Бизнес-фонд» Канаданинг «Раанани Холдинг»компанияси билан ҳамкорликда республикадаги хусусий ва кичик корхоналарни сармоялаш дастурини ишлаб чиқди ва уни амалга ошириш бўйича муайян ишлар олиб боряпти. Бу дастур лизинг асосида замонавий технология ва жиҳозларни етказиб бериш ҳамда молиявий ёрдам кўрсатишга қаратилган. Дастур 5 йилга мўлжалланган бўлиб, инвестициянинг умумий миқдори 50 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шулардан 70 фоизини Канада томони, 30 фоизини эса «Бизнес-фонд» молиялаштиради.

Ушбу битимни амалга ошириш учун бизнинг саъй-ҳаракатимиз

Ислоҳот ва масъулият

ҳозларни йўлга қўйиб, маҳсулот чиқара бошлади.

Ўтган давр ичида «Бизнес-фонд» билан Туркиянинг «Чоглаян Текстиль Диш Тижорат Пазарлама ЛТД» компанияси ўртасида Туркиянинг «УТИД» тадбиркорлар ассоциацияси билан «Бизнес-фонд» имзолаган шартнома доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича Баённома имзоланди.

Хуллас, ҳозир чет-эл сармояларини жалб этиш бўйича Германия, Исроил ва бошқа давлатларнинг компаниялари билан ҳам ҳамкорлик уфқлари кенгайиб бормоқда.

— Собир Комилович, «Бизнес-фонд» тадбиркорларга енгилликлар яратиш, айниқса қишлоқ жойларда деҳқон-фермер хўжаликлари, хусусий ва кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жуда катта ишларни амалга ошираётганидан ҳаммамиз ҳам яхши хабардормиз. Юртбошимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги тараққиётимиз якунлари ва бу йилги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам берувчи тизимлар тармоғи ичида «Бизнес-фонд»нинг тутган ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтдилар.

— Ана шу мажлисдан кейин мамлакатимизнинг барча вилоятларида биздан олинган кредитлар эвазига инвестиция лойиҳаларини бундан буён ҳам муваффақиятли амалга ошириш, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, жаҳон мезонларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш бўйича тузган режаларимизнинг тўла-тўкис рўёбга чиқишига умидвормиз.

Суҳбатдош:
Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Партия ҳаётидан

ЖАМОАТЧИЛИК — КАТТА КУЧ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят партия кенгаши томонидан ташкил этилган партия фаоллари ўқувининг навбатдаги машғулоти кончилар шаҳри — Ангренда бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Ангрен шаҳар кенгашининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бораётган иш тажрибалари ўрганилди.

Ўқув машғулотини Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов кириш сўзи билан очиб, унинг қатнашчилари — шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котибларини машғулот кун тартиби билан таништирди.

Сўнгра шаҳар ҳокимининг муовини А. Кўканов Ангрен шаҳрининг 50 йил ичида босиб ўтган тарихий йўли, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусида сўзлаб берди. Тингловчиларнинг саволларига жавоб берилди.

Кончилар шаҳрида бўлиб ўтган партия фаолларининг ўқув машғулоти мазмундорлиги билан қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Неъматилла ҚАЮМОВ.



Шаҳрихонда юзлаб ҳунармандлар истиқомат қилади. Шунинг учун Шаҳрихонни ҳунармандлар шаҳри, деб аташади. Улар ичида ўз касбини эъзозлаб, уни авлоддан - авлодга етказиб келаётганлар ҳам анчагина. Ана шундайлардан бири косиб Абдураҳим ота Мулладўстовдир.

Абдураҳим Мулладўстов ота мерос касбини фарзандлари Исмоилжон ва Иброҳимжонларга ҳам ўргатди. Умуман, ҳозирги кунда Шаҳрихонда отанинг 40 дан зиёд косиб шогирдлари бор.

СУРАТДА: косиб Абдураҳим ота МУЛЛАДЎСТОВ.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲАМ БАРАКА, ҲАМ МАНФААТ

Юрт ободлиги, кўрку-чирой, сероблигу тўкинлик энг кичик манзилдан, энг кичик корхона ё хўжалик, туман ё шаҳардан бошланади. Аҳиллик, завқли меҳнат, ўз меҳнатидан манфаатдорликка ишонч, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, шу эҳтиромга асосланган тартиб-интизом шаклланган корхонада эса ишлар юришиб кетади, бундай корхонадан юрт ҳам манфаатдор, одамларнинг ҳам кўнгли тўқ, вақти хуш.

Бизнинг корхонамизда одамлар учун, уларнинг турмуш даражасини кўтариш учун амалга оширилган, оширилаётган хайрли ишлар талайгина. Ўн минг тонна ёнилғи сақлаш имкониятига эга корхонамизнинг фаолият доираси фақатгина ёнилғи қабул қилиш ва тарқатиш билан чегараланиб қолмаган. Тадбиркорлик йўналишида олиб бораётган ишларимиз ҳам диққатга сазовордирким, бу ишларнинг натижаси ҳам инсонларга фойда-манфаат келтиришга қаратилгандир. Ишчи-хизматчиларимизнинг аҳил-иноқлиги, ўз ишидан манфаатдорлиги, яхлит тартиб-интизом натижаси ўлароқ беш-олти йилдан бери бирор марта ҳам йилни зиён билан якунлаганимиз йўқ. Беш гектарли корхона ҳудуди, шахобчаларимиз обод ва сариштa. Қирқ хонадонга мўлжалланган тураржой биноси қурилиб, ишчи-хизматчиларимиз ихтиёрига берилди. Ҳозир бу уйда ходимларимиз бола-чақалари билан ҳузур қилиб яшашмоқда.

Ўтган йили корхонанинг янги шарқона усулдаги дарвоза ва биноси, лаборатория қуриб фойдаланишга топширилиши муносабати билан, эски бинолар қайта жиҳозланиб, таъмир қилиниб, тикувчилик цехига айлантирилди. Корхона ичида корхона сифатида фаолият кўрсатаётган ушбу цехда айни кунда элликка яқин хотин-қизлар чеварлик қилишмоқда, керакли кийим-кечаклар, чойшаб ва кўрпа, болиш жилдлари, тайёрлашмоқда. Ойлик маошларини вақтида олишлари билан бирга, яхши ишчиларга қўшимча рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам бериб борилянти.

Бундан ташқари, корхонамиз қошида гишт қуйиш цехи, охак пишириш цехи, дорихона, ошхона, чойхона мунтазам ишлаб турибди. Бу соҳалардан келиб тушадиган даромаднинг бир қисми ишчи-хизматчиларга иш ҳақларига қўшимча тарзда қўшиб берилади. Ходимларимизнинг тўй-ҳашамларига ҳам ҳамиша моддий ёрдам бериб борилади. Ўзимизга яраша боғимиз ҳам бор. Олма, гилос, олча, шафтоли, ўрик, олхўри каби мевалардан ишчи-хизматчиларимиз ҳар йили баҳраманд.

Баҳрамандлик амалда бўлаётгани учун ҳам қўлга киритаётган ютуқларимиз ҳам чакки эмас. 1991 йилга қиёсан олганда, у маҳалдаги кўрсаткичлар 137000 сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йил якуни бўйича 20893000 сўм фойда олинди.

Корхонамиз туман миқёсидаги хайрия тадбирларига бевосита, амалий ёрдами ила улуш қўшиб келмоқда. «Соғлом авлод учун» шиори остида ўтказилган тадбирларда иштирок этиб, шаҳар стадиони, шаҳар касалхонасини таъмирлаш ишларига яқиндан ёрдам бердик. Собир Раҳимов, Беҳзод маҳаллаларидаги мактабларни газлаштириш, сув қувурлари ўтказиш, шунингдек, мактаб ошхонасини қуришдек хайрли ишларни амалга оширдик.

Алалхусус, юртимиз фаровонлиги, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги жиддий, жўшқин меҳнат жумҳуриятимизнинг барча гўшаларида бўлаётгани каби, бизнинг корхонамизда ҳам бир маромда давом этмоқда. Энг муҳими, бу меҳнатнинг замирида одамларимизнинг, элдош замондошларимизнинг фаровонлиги ётибди.

Жалолиддин ҚОСИМОВ,
Денов нефть маҳсулотлари корхонаси директори.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

БОСҚИНЧИЛАР «БОШПАНА»ЛИ БЎЛИШДИ

Одам бандаси хом сут эмганда. Баъзан хаёлига келган ишни қилишга, «қаҳрамон»лик кўрсатишга жазм қилади. Бухоро туманидаги «Чорбакр» жамоа хўжалигида яшовчи Нодир Муродов ўйлаб қараса, хонободликларни лол қолдирувчи бирор иш қилмабди, ёши эса ўтаяпти: йигирма бир йил-а?! Бу ёшда Фарҳод канал қазган! Унга нима бўлибди-тўрт мучали соппо-соғ, ҳеч қаерда ишламайди. Саргузашт фильмларда кўрганидек жазм қилса, бир пасда бойиши мумкин. Имконият десангиз бор: Зарафшон катта тракти-Ипак йўли қишлоғидан ўтади. Кўп бор кузатган, муюлишда хорижий карвонлар жуда секин ўтади, илиниш оппа-осон. Таваккалга нима етсин! Бунинг устига тун бўлса, ҳайдовчи сезармиди? Дадил бўл йигит, олганинг қолади, карвон эса ўтаверади!

Шу қарорга келган Нодир йўл четида узоқ кутди. Октябрь ойи. Ҳаво яхши. Мана, соат ҳам ўнга ишлаяпти. Бурилишда Туркиянинг машиналари кўринди.

Улар Тошкентга қуруқ қатнамаса керак. Албатта ичида ул-бул бўлади. Олиш керак!

Шу таваккал хаёл билан Нодир машинанинг орқасига илинди. Қўлидаги кескир пичоқ билан брезент қопламани кесиб, ўзига йўл очди. Қараса, катта-кичик яшиклар. Улар бисёр. Қўлига куч берди, яшиклар бирин-кетин йўлга қўнаверди. Машина эса кетаяпти, тунда ҳайдовчи парвосиз.

— Бўлар энди, — ўйлади таллончи, — шу ёғи ҳам анча пул бўлади-ку? Эллик қути ирғитдим шекилли.

Машинадан тушиб, ортига қайтса одамлар йўлда сочилган печенье, вафли, шоколадларни теришяпти. Ё тавба! Осмондан чалпак ёққанда ҳам инсоф билан-да хомталашлик! Аранг 4-5 яшчиги қўлига тегди. Уларни қўлтиқлаганича депсиниб новвойхонага кирди. Қўлидагиларни шу ерга қўйиб чиқиб кетди: эртага ҳеч ким суриштирмаса келиб олиб кетади.

Аммо у ўйлаганича бўлмади, суриштирувчилар кўпайди. Туркиялик фуқаро ҳайдовчи Исмоил Саригуз машинасидан ўғирланган жами озиқ-овқат маҳсулотлари аниқланди: 139738 сўмлик! Гувоҳлар ҳам топилди, жиноят очилди. Қош қўяман, деб кўз чиқарган Нодир Муродов эндиликда умрининг 3 йилини темир панжара ортида ўтказяпти.

Суннат Мухторов Нодирдан уч ёш катта. У бухоролик эмас, Душанбада туғилган. Ўхшаш томонлари бор: илгари судланмаган, ҳеч қаерда ишламайди, босқинчилик деса эплайди. Суннат бултур ёзда Бухорога акаси Зокиржон никига меҳмон бўлиб келди. Меҳмоннинг иззати уч кун-да. Кўчага чиқди, ҳамма ҳарёққа шошилади. Айниқса, хотин-қизлар кўп. Уларнинг қулоғи, бўйнига боқди: ҳаммасида тилла тақинчоқ. Кўрқитиб олса бўлар, деган тахминга бориб бир-икки кун у автобусдан бунисига чиқди, кимлардир ўрин берди, кузатди, кўча айланди, муюлишларни ўрганди. Хуллас режа пишди, ишга киришиш керак!

10 август куни шаҳар автобусларидан бирига чиқди. Ёшгина жувон навбатдаги бекатдан автобусга чиққанда Суннатнинг кўзи қувонди. Чунки, унинг нигоҳи ҳалиги жувон бўйнидаги қимматбаҳо занжирга тушганди, туриб унга жой берди, қаерда тушишини пойлади. Автобус бекатда тўхтади, жувон ундан тушди. Суннат унга эргашди. Ўшанда кундуз соат 16 лар эди. Суннат жувон «Ўзбекистон 40 йиллиги» кўчасига етганида қадамини тезлаштирди-да, шашт билан унинг бўйнидаги 6000 сўмлик тилла занжирни узиб олиб қочди.!

Ана, — ўйлади Суннат, — бу иш ҳам хамирдан қил суғургандек бўлди. Бу бир даста пул эмасми? Уни бу ерда ким ҳам танирди, фаолиятини давом эттирса бўлаверади.

Орадан бир ҳафта ўтгач, у яна босқинчиликка қўл урди. Бухоро шаҳрининг йўловчига сероб жойи — эски вокзал бекати бўлади. Бу ерда ҳамма автобуслар тўхтаб ўтади. Босқинчининг кўзи яна бир «ўлжа»га тушди. Бу фуқаро Зулфия Бафоеванинг бўйнидаги 22 минг сўмлик тилло занжир эди: «Қандай бўлмасин олишим керак!»

Қиз «Дилрабо» қаҳвахонаси ёнидан ўтаётганда бўйнига кимдир қўл солганлигини пайқади. Шу топда ҳамма ҳам шошиб нима бўлаётганлигини пайқамайди, унинг бўйнидаги тилло занжир йўқ эди. Дод солди қиз, милиция ходимлари ёрдамга келди. Суннатнинг қилмиши ошкор бўлди. Терговни чалғитмоқчи бўлди, урунишлари бекор кетди. Бухоро шаҳар Ф. Хўжаев тумани суди томонидан Суннат Мухторов 7 йил озодликдан маҳрум этилди, «Меҳмон» «бошпана»ли бўлди.

Спиртли ичимлик истеъмол қилган кишининг кўнгли кўп нарсани тусаркан. Бухоро шаҳар кўникма марказида ҳайдовчи бўлган Раҳмат Жалилов қулоғи қизигач, таъби кўнгилхушликни тусаса бўладими? Ўттиз бешни қоралаган бу кимса гулдай хотини, 3 нафар фарзанди бўла туриб яна жиноятга қўл урди. Илгари судланиб, «у ёқда» ўтириб келса ҳам ақли қуюлмаса қийин экан. Ўзини тута олмади, босқинчилик билан жазман топмоқчи бўлди. Бултур Бухоро шаҳрида яшовчи Д.нинг уйига бостириб кириб, унинг номусига тегмоқчи бўлди. Аммо ниятига етолмади, яна темир қафасга тушди. Номақул хатти-ҳаракати эвазига у ҳам 6 йиллик «иссиқ бошпана»га эришди. Айтинг, айтинг бу сўқир бандаларнинг кўзини шу ерда мошдай очишсин-да!

Қодир ЙЎЛЛИЕВ,
Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев тумани судининг раиси.
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

«ДОМ»ДА ЎРДАК БОҚСАМ МАЙЛИМИ?..»

— Амакижон, уйимизнинг ертўласида ўрдак боқсам майлими?

Остонада жовдираб турган болакайнинг қарашлари содда ва самимий бўлса-да, қандайдир иккиланиш, ҳадик яққол сезилиб турарди. Унга нима дейишимни ўйлаб улгурмасимдан яна бидирлаб кетди:

— Дадам билан ойимнинг гоҳ-гоҳида писта, сақич ва музқаймоқ учун бериб турадиган пулларини йиғиб юрардим. Кеча бозорга бориб, 4 та ўрдак сотиб олдим. Ертўлада боқмоқчи эканимни айтувдим, дадам «дом»да яшовчиларнинг ҳаммасидан рухсат сўраб чиққин, деди.

Болакайнинг гаплари кулгимни қистаса-да ўзимни тийиб, тинглашда давом этдим.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, амакижон, — деди у, — юқори қаватларга кўтарилиши керак бўлган ичимлик суви қувурлар тешикларидан ертўлага оқавериб, уни тўлдириб юборди. Барибир тўртинчи, бешинчи қаватларга сув чиқмайди. Бекорга кўллаб ётгандан кўра ўрдак боқсам яхшику!

Бундан буён ертўла — қўлимизда чивин ва пашшалар ғужғон ўйнайди. Ўрдакларим уларга қирон келтиришини ҳам ўйлаб кўринг, ахир...

Шу пайт болакайнинг нигоҳи хонадонимиз деворларининг ёриғига тушиб қолди.

— Ҳой, амакижон! Қаранг, деворларингиз ёрилибди. У ертўладаги кўлдан. Демак, уйимиз пойдевори чўка бошлабди.

Боланинг ваҳимаси юрагимга ғулғула солди. «Жиззах шаҳридаги «Иккинчи марказ» деб аталувчи мавзенинг 9-уйи ертўласидагина эмас, шу атрофдаги жуда кўп уйлар ертўласида сув кўллаб ётибди. «Демак, бу — хавфли экан-да», деб ўйлаб турувдим, болакай яна хаёлимни бўлди:

— Нима дейсиз амаки, рухсатми?

— Бор, борақол — дедим унга. — Ўрдак боқасанми, ғоз боқасанми, хоҳишинг. Қўлингдан келса балиқ урчитиб, ондатра кўпайтирсанг ҳам майли.

Ж. КЕЛДИЁРОВ,
Жиззах шаҳри.

ЕР — ИШЛАГАННИКИ!

Ҳурматли таҳририят! Мен умр бўйи деҳқончилик билан шуғулланганман. Лекин ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида деҳқоннинг меҳнати ҳақида ўйланиб қоламан. Тепадан туриб кўрсатма бериш ҳолатлари йўқолди, лекин негадир барибир бу билан даромадимиз ҳам ошиб қолмаяпти.

Назаримда, биз ризқ-насибамизни етарлича йиғиб-териб олиб, расамади билан фойдалана олмаяпмиз. Орамизда қишлоқда яшаса-да, деҳқончиликни билмайдиганлар кўп. Ана шундай оила бошқарувчилари белгиланган ерни оладилар-да, ундан фойдаланишни билмай, бошлари қотиб ўтирадилар. Баъзи кишиларнинг 4-5 йиллаб ўз еридан унумли фойдалана олмаётганини кўриб ачиниб кетаман.

Ерни улуғлаш, инсонни улуғлаш ҳақида кўп гапиргандан кўра, ердан унумли фойдаланиш сирлари ҳақида ҳам ёшларга сабоқ берсак, фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман.

Зокир АБДУАЗИМОВ,
Тошкент вилояти, Тошкент тумани.

КРЕДИТГА БЕРИЛСА...

Ушбу мактубни Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидан йўллаяпман. Усмон Дониёров номли жамоа хўжалигининг Оққўрғон маҳалласида яшайман.

Ҳозирги вақтинчалик айрим мушкулликлар элга келган тўй. Лекин рўзғоримдан орттириб битта телевизор сотиб олиш ниятидаман.

Ўйлаб қоламан, тижорат дўконларидаги «Семурғ», «Нодира» ёки Хитой, Корея давлатларида чиққан 12 минг сўмлик телевизорларни кредитга сотиб олишни йўлга қўйса бўлмасмикан? Ойига 2000 сўм маош оламан. Бундан ташқари 15 сотих томорқамиз оиламизни боқиб турибди. Хорижий молларнинг нархи осмонда, лекин ўзимизда чиқаётган шундай рўзғорбоп маҳсулотларни аҳоли истагидан келиб чиқиб тегишли дўконларда кредитга сотиш йўлга қўйилса яхши бўларди.

Очилди ПАРДАЕВ,
Шўрчи туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси.

«Хатлар, хатлар, хатлар» рукни материалларини Саида ЙЎЛДОШЕВА саралади.

ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС

(Россия ва Белорусь иттифоқининг Низоми лойиҳасига муносабат)

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Тўғрисини айтсак, мақолага сарлавҳа топишда бироз қийналдик. Одатда, сарлавҳа жарангдор бўлишидан ташқари мақоланинг ўзак фикр ва хулосасини ўзида мужассамлаштирган ҳам бўлади. Шу маънода ихтиёримизда «Эски ҳаммом, эски тос»дан ташқари «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади» ҳикмати ҳам бор эди. Ташқи жаранги ва ички ундови, огоҳлантириши билан иккинчи сарлавҳа маъқулроқ кўринганди. Аммо шундай бўлса-да, ундан воз кечишга тўғри келди. Чунки, Белорусь иттифоққа кириб бўлди. Ҳассасини эса 1996 йилнинг 2 апрелида йўқотиб бўлганди. Бу сафар эса танасидан айрилмоқда. Унинг эндиги аҳволи назаримизда кўрникидан ҳам аянчлироқдир. Зеро, инсон кўзи кўрмасада, аммо бу ҳали ақлини йўқотди, дегани эмас-ку. Худди шу сабабдан ҳам, яъни ҳассасидан айрилган кўр эс-ҳушидан айрилмаслигини назарда тутган ҳолда мазкур ҳикматни сарлавҳага олиб чиқмадик. Чунки бу ўгит Белоруснинг бугунги аҳволини ўзида тўлиқ акс эттиролмайди. Белоруснинг шароити анча мураккаброқ ва ачинарлироқдир.

1917 йилги февраль буржуа инқилоби муносабати билан Россия империясида вужудга келган аҳволни эслайлик. Марказда қўшҳокимиятчилик, мустамлакаларда эса миллий-озодлик ҳаракатларининг жонланиши (Украина ва Белорусда Рада, Озарбойжонда мусоватчилар, Туркистонда «Шўройи уламо» ва «Шўройи исломия», Қозоғистонда Алаш ўрда, Болтиқбўйида миллий кенгашлар фаолияти) билан боғлиқ жараён эртами-кечми империяни парчалаши турган гап эди. Аммо, афсуски, бундай бўлмади. Шу йилнинг кузида давлат тўнтариши йўли билан ҳокимиятни қўлга олган большевиклар бунга йўл қўймадилар. Империяни яхлит сақлаб қолдилар. Бунга қай тарзда эришганликлари ҳам маълум. Қарамликда яшашга жон-жаҳди билан қарши бўлганларни бутунлай қириб ташлаш (масалан, Туркистон мухторияти, «босмачилик» миллий-озодлик ҳаракатига нисбатан шундай йўл тутилган) ва қолган бечораларни биргаликдаги фаровон ваа тенг-ҳуқуқли ҳаёт қуриш билан алдаб, эски сиртмоққа солиш. Бунда метрополия ҳеч нарсадан тоймаган.

Қизиғи шундаки, 1991 йили Россия империяси росмана парчалангандан олти йил ўтиб 1917-1922 йиллар оралиғидаги асосий жараён қайталаётгандай. Илгариги даврга нисбатан фарқли ўлароқ эндиликда Ўзбекистон, Украина, Озарбайжон, Грузия, Туркманистон, Молдова кабилар мустақилликни сақлаш масаласида бу сафар адашмасликларини қатъий намоён қилмоқдалар. Аммо Белорусь ва яна бир қанча адашиб чарчамаганларнинг оёқ олишлари кишини тарихни эслашга мажбур қилади.

Ўшанда ҳам Москва ўзига содиқ, коммунизм ғоясига муккасидан кетганларга суяниб, уларни мустамлака ўлкалар раҳбарлигига олиб келиб, энг аввало ҳарбий йўл билан қувватлаб жойларда метрополия мавқеини қайтадан тиклай бошлаганди. Бунда унга коммунистик мафкура «афюни» обдон қўл келгани ҳам аниқ. Мазкур «дори» мазасини тортган йўқсиллар империянинг янги хўжайинларининг жойлардаги таянчи ва ижтимоий базасига айланганди. Хомхаёллик ақл кўзига парда ташлаганидек, «эркин, тенгҳуқуқли халқларнинг бахтиёр «иттифоқи»ни қуриш» ҳақидаги алдовлар ҳам чин ҳақиқат бўлиб кўринган уларга. Шу ўринда бугун билан боғлиқ бир масалага диққатни қаратмоқчимиз. Россия-Белорусь «иттифоқи»га Россиянинг ўзида турлича фикрлар билдирилмоқда. Бу табиий ва уларнинг иши. Шу билан бирга мустақил давлатлар жамоатчилиги 1917-1922 йиллар оралиғида бўлганидек шайтонга алданмаслиги керак. Ўшанда ҳам Ленин бошлиқ бир томон Сталин бошлиқ иккинчи томон ўртасида гўёки «иттифоқ» масаласида тортишувлар, келишмовчиликлар бўлган. Аммо Ленин «адолат» билан иш тутиб Сталиннинг «шошқалоқлиги ва маъмуриятбозликка ҳаддан оша берилиб кетганлигини қаттиқ танқид остига олиб», «иттифоқ»ни ташкил қилиш жараёнини тўғри йўлга солиб юборгандай. Аслида эса Ленин кейинчалик амалга оширмоқчи бўлган тадбирни Сталин олдиндан очиқчасига айтиб қўйган. Яъни, ҳар бир миллий ўлкани Россия автономиясига айлантириш. Бироқ миллий озодлик ҳаракати, кайфияти кучли бўлган ўша кезлари бу қалтис сиёсатлигини Ленин яхши тушунган. Шунинг учун ҳам «арқонни бўшроқ қўйиб», бўлажак «иттифоқ» тенг ҳуқуқли давлатлар иттифоқи бўлиши, ҳар бир халқ ўз суверенитетини сақлаб қолиши, ўзининг ҳудудидаги моддий ва маданий бойликларга, ер ости қазилмаларига эгалик қилишига зўр берилган. Ҳатто чет эл давлатлари билан алоқалар олиб бориш ҳуқуқини мустаҳкамлаши тўғрисида ҳам таъкидлар бўлгани маълум. Аммо охири нима бўлди, у ҳам аниқ. «Иттифоқдош» республика-давлатларнинг на ички, на ташқи сиёсатда бирон ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган. Уларнинг фақат ягона ҳуқуқи — Москва олдида бош эгиш ҳуқуқи бор эди, холос.

Россия-Белорусь «иттифоқи» Низомининг лойиҳасини муҳокамага киришган Россия жамиятига назар ташлаб, Ленин-Сталиннинг «СССР»ни қандай таъсис этиш хусусидаги «зиддиятларини» эслай илож йўқ. Черномирдин нима дедию, Чубайс уни қандай қабул қилди, Лужковнинг фикри қанақаю, Зюгановнинг руҳий ҳолати нечоғлиқ — буларнинг бари Россиянинг ички иши, ички ғалваси. «Иттифоқ» хусусида Шохин анча баъамани гап айтди, барибир адолатли қарорни Ельцин қабул қилади деганлар, хато ўйлайдилар. Чунки, буларнинг бари Ленин ўйлаб топган тузоқ усулининг замонавий кўринишларидир, холос. Бунга биз «Белорусь ва Россия иттифоқи низоми» лойиҳаси билан танишиш орқали яна бир бор амин бўлишимиз мумкин.

Низом лойиҳаси 13 боб ва 39 моддадан иборат. Муқаддима қисқа, аммо аньанавий равишда ёзилган. Яъни, бу галги «иттифоқ»дан мақсад ҳам ўша-ўша: икки давлат жипслашиши борасида халқларнинг иродасидан келиб чиқиб «иттифоқ» тузилмоқда. 1922 йили ҳам худди шу мақсадда «иттифоқ» қурилганди. Оқибати нима билан тугагани ҳам маълум. Энди яна жипслашишмоқчи? Нега бунчалик жипслашишни яхши кўрадилар? Алоҳида-алоҳида, эркин юрса бўлмайдими? Ҳай, майли. Биринчи бобга ўтайлик. Унинг 2 моддасида «Иттифоқ фуқаролиги жорий қилинади» дея аниқ айтилган. Агар 3 моддадаги «икки давлатнинг бирлашиш» мақсади борлиги ва 4-моддадаги «Иттифоқнинг халқаро ҳуқуқ моҳият эътибори билан олганда улар орасида фарқ йўқ. Шундай бўлса ҳам «Иттифоқ»нинг асосий вазифаларига эътибор қаратсак.

Демократия ривожи, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қўллаб-қувватлаш (8 модда). Фикримизча, мазкур бандга ҳожат йўқ эди. Агар инсоннинг асосий ҳуқуқи бу унинг суверенитети билан боғлиқ бўлса, у ҳолда Белорусда инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши ҳамда олти йил озод бўлган мустақил давлатнинг бошқа давлат таркибига кириб кетиши манзарасида мазкур банд иккиюзламачилик эмасми?

Кейинги вазифа иқтисодиёт билан боғлиқ бўлиб, унга кўра ягона иқтисодий макон, ягона транспорт, энергетика, алоқа тизими, ягона илмий-техникавий ва ахборот макони ташкил қилиш, ягона валютани жорий қилиш учун шароит яратиш, учинчи томон мамлакатларига нисбатан ягона бож ва савдо сиёсатини олиб бориш назарда тутилган. (9-модда). Бошқача айтганда, бўлажак ягона давлатнинг иқтисодий асосини яратиш вазифаси қўйилмоқда. Оддийроқ айтсак: Белорусь иқтисодиётини кўринмас иплар билан Россия иқтисодиёти билан боғлаб ташлаш. Албатта, мазкур вазифа «совет» давридан фарқли ўлароқ, янгича шароитда амалга ошириб борилади. Шу модданинг сўнгги бандида, худди «етим бола» дек четда қолиб кетган сўзлар бор: ҳар бир иштирокчи-давлат ҳудудида алоҳида ва ҳуқуқий шахслар томонидан мулк сотиб олиш, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини таъминлаш. Амалда бу қандай бўлади? Жуда ҳам оддий: эртага Белорусда хусусийлаштириш учун кенг йўл очилса (бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади), йирик корхоналар, энергетик ёқилғи тармоқлари ва бошқа «ёғлиқ» мулкларни сотиб олишда россиялик ишбилармонлар, сармоядорлар улоқни илиб кетиши ҳеч гапмас. Шу йўналишда ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини россиялик банкирлар, саноатчилар, ишбилармонлар бугун ҳатто расмий тарзда ҳам аён этмоқдалар.

Низомнинг «юраги» албатта унинг III бобидир. Эсингизда бўлса, дарахт соясида ўтириб Шумболани авраб туриб Эшон шундай деганди: даромадни тенг бўлишамиз, тўртдан уч қисми менга бўла қолсин, лекин тўртдан бир қисми, албатта сеники бўлади. Худди шу каби, мазкур боб тенг икки моддага бўлиниб, бирида «Иттифоқ» бошқаруви, иккинчисида эса «иттифоқдош давлат» ва «иттифоқ»нинг қўшма бошқарувига киритилган ваколатлар ҳақида сўз кетади. Қаранг-а, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, ягона энергетик, транспорт, алоқа тизимини бошқариш, ягона бож сиёсатини юритиш, «Иттифоқ» мулкини бошқариш, валюталарнинг бир хиллигини таъминлаб, ягона валютага ўтказиш, ягона андозаларни жорий қилиш, «Иттифоқ» бюджетини, рамзларини тасдиқлаш кабилар, яъни бўлажак ягона давлатнинг ҳуқуқий-иқтисодий асосларини яратиш жараёнини бошқариш Москва қўлида мужассамлашади. Қолган масала ва соҳаларни эса «Иттифоқ» иттифоқдош давлат» билан ҳамкорликда ҳал этиб боради. Демак, «Иттифоқ» бошқаруви доирасига кирган масалаларда Минск тамомила ҳақ-ҳуқуқсиз бўлиб қолаяпти. Суверенитети очиқдан-очиқ чекланяпти. Белоруснинг келажакда йўл қўйиши мумкин бўлган «ножўя» қадамлари ҳам олдиндан «ҳуқуқий» тарзда чипакка чиқарилмоқда. Масалан, V бобда шундай ёзилган: «Зарур ҳолларда иштирокчи давлатларнинг давлат бошқаруви идоралари ўз қарорларини Иттифоқ идоралари қарорларига мослаштирадилар». Мазкур банд «СССР» Конституциясининг 74- моддасини эслатади, беихтиёр.

Низомнинг VI боби билан танишаркансиз, давлатлар устидан турадиган идоралар нималигини биласиз-қоласиз. Чунки, мана неча йилдирки, МДҲ доирасида ана шундай идоралар таъсис этиш ҳақида гап кўп.«Иттифоқ» низоми баҳонаси орқали эса биз бу борадаги келгуси режаларни пайпаслаб кўришимиз мумкин. Хуллас, «Иттифоқ»нинг олий идораси бу Олий Кенгаш экан ва у мазкур Низомда кўрсатилган барча масалаларни ҳал қилар экан. Хуллас, эскича айтганда «Политбюро». Унинг бошлиғи «Иттифоқ» номидан халқаро шартномаларга қўл қўйиши, музокаралар олиб бориши мумкинлигини ҳисобга олсак, яна бир бор сўз ягона давлат ҳақида кетаётганини исботлаган ҳолда ушбу бўлажак сиёсий тизимда замонавий «Политбюро»нинг роли қандай кечиши мумкинлигига ҳам диққатни қаратмоқчимиз.

Низомнинг бошқа бобларига тўхталиб вақтни зое кетказмоқчи эмасмиз. Зеро, то шу ергача кўриб таҳлил қилганларимизнинг ўзиёқ, Белорусь ва Россия «иттифоқи» ҳақидаги сўзлар моҳият эътибори билан ғирт ёлғонлигини исботлайди. Бу ҳеч қандай иттифоқ эмас, балки Россия томонидан Белорусни «ютиб» юборишнинг ўзгинасидир. Тўғри, низомда кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳақида ҳам фикрлар бор. Аммо савол туғилади: бу мақсадларни амалга ошириш учун «иттифоқ»нинг нима алоқаси бор? Нима «иттифоқ» тузилса, банкларда пул пайдо бўлиб одамларга маош бериш имкони туғиладими ё жиноятчилик ўз-ўзидан барҳам топиб кетадими? Афсуски, «иттифоқ» тарафдорларини, илҳомчилари ва йўлбошчиларини бу ўйлантираётгани йўқ. Балким, ижтимоий ҳимоя, бозор иқтисодиёти соҳаларида бирон нарсага ақллари етмаётгани учун ҳам эски «ашула»ни айтаётгандирлар? Хуллас, саволлар кўп. Аммо жавоб битта: МДҲ доирасидаги ҳар қандай сиёсий яқинлашув пировардида марказида Москва бўлган империянинг тикланиши билан тугаши аниқ. Белорусь ва Россия «иттифоқи» бу йўлдаги дастлабки синов соққаси эмасмикин?

Азамат ЗИЁ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ВАШИНГТОН. АҚШ мудофаа вазирлиги вакили Майкл Даблдей журналистлар билан учрашувда Америка ҳарбийлари Зоирдаги АҚШ фуқароларини олиб чиқиб кетишга тайёр эканини маълум қилди.

Пентагон вакилининг айтишича, ушбу мақсадда айни пайтда Зоир қирғоқлари яқинида АҚШ десантчилар кемаси, шунингдек, мамлакатнинг турли шаҳарларида ҳаво хизмат гуруҳлари шай турибди.

***

БОНН. Шу кунларда Россия Президенти Борис Ельцин амалий ташриф билан Германияда бўлади.

Б. Ельцин Германия Федератив Республикаси канцлери Гельмут Кол билан учрашади. Музокаралар чоғида Россия ва Германия ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниши кўзда тутилган.

***

ТОКИО. Япония ҳукуматининг фан-техника бошқармаси ходимларидан ташкил топган махсус гуруҳи мамлакатда ядро чиқиндиларини сақлайдиган Токаймура иншоотини текшира бошлади. Шу йилнинг 11 март куни ушбу иншоотда содир бўлган ёнғин ва портлаш бунга сабаб бўлди. Ўшанда 37 нафар киши нурланган, ҳавога эса ўта заҳарли радиация моддалари тарқаган. Маълум бўлишича, Японияннг ядро ёнилғиси ва реакторларини ишлаб чиқариш давлат корпорацияси раҳбарияти мудҳиш воқеани кўпчиликдан сир тутган. Ҳатто, Япония Бош вазири Рютаро Хасимото ушбу воқеадан телевидение орқали хабардор бўлган.

***

ВАШИНГТОН. Америкалик нашриётчи миллиардер Стив Фобс кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича халқаро шартноманинг мамлакат конгресси томонидан тасдиқланишига қарши чиқди. У СИ-БИ-ЭС телекомпанияси мухбири билан суҳбатда, ушбу шартномани назорат қилиб бўлмаслиги ва амалда бажариш мумкин эмаслигини таъкидлаган. Фобс Вашингтон, Миссисипи, Оклахома, Юта ва Вайоминг штатлари радиоси орқали мурожаатида мазкур шартномага қарши ташвиқот олиб бориш лозимлиги, радиореклама харажатларини эса ўз ёнидан қоплашини маълум қилган.

Эртага — Қурбон ҳайити байрами

ТАВАЛЛО

Эртага бутун жаҳон ислом олами нишонлайдиган Қурбон ҳайити муносабати билан Саудия Арабистони подшолигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор вакили Яҳё Ҳасан Маллах «Ўзбекистон овози» газетаси орқали мустақил мамлакатимиз халқини қутлуғ айём билан муборакбод этиш ниятини изҳор қилди:

— Курраи заминдаги бутун мусулмон олами эртанги Қурбон ҳайити байрамини нишонлаш шукуҳи, руҳияти билан тўлиб тошган. Шу азиз кун арафасида мустақил Ўзбекистон халқини, шахсан Президент Ислом Каримовни ва ҳукумат раҳбарларини Саудия Арабистони подшолиги ҳамда халқи номидан оташин ва самимий қутлайман.

Сиз — ўзбек халқининг асрлар оша орзу қилган ҳурриятингиз 1991 йилда ғалаба қилиб, ҳозирда 6 ёшга тўлаётган экан, бу адолат, озодлик, эрк тантанасидир. Жаҳон даврасида Ўзбекистон ўз ўрнини ҳақли равишда эгаллади деб баралла айтиш керак.

Сизнинг мустақиллигингиз ва шахсан Президентингизнинг ғайратшижоати билан ўзбек мусулмонларининг ҳаж сафарига қулай ва равон йўллар очилди. Ҳаж сафари арафасида зиёратчиларга яратилган ва кўрсатилган саховатни кўриб кўп мамнун бўлдик. Ўз навбатида Саудия Арабистони томони вакиллари, элчихона ходимлари зиёратчиларнинг ҳужжатларини тез расмийлаштириб беришди. Уларнинг ҳаммаси Жидда шаҳрида яхши кутиб олинган ва қулай жойлаштирилган.

Саудия Арабистони Подшолигининг Ўзбекистондаги элчихонаси эндигина иш бошламоқда. Мақсад —иккала мамлакат ўртасида Президент И. А. Каримов бунёд этиб берган алоқа кўпригини мустаҳкамлаш ва уни эъзозлашдир.

Пайтдан фойдаланиб, шу қутлуғ айёмда Ислом дини равнақига бебаҳо ҳисса қўшган ўзбек халқининг донишманд арбоблари ва олимлари Абу Али ибн Сино, Замахшарий, Бухорий, Термизий, Амир Темур, Алишер Навоий сингари улуғ зотларнинг муборак номларини бирма-бир тилга олиб ўтиш ҳар бир мусулмон кишининг фазилатидир.

Абдулла ПЎЛАТОВ ёзиб олди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ Келиб чиқиши собиқ СССРдан бўлган яҳудийларнинг эркинлиги ва антисемитизм йўлидаги ҳаракатлари учун собиқ иттифоқнинг сўнгги Президенти Михаил Горбачевга Қуддус жамғармасининг Шоҳ Довуд унвони топширилди. Маросимда Нью-Йорк шаҳар ҳокими Рудольф Жулиани, таниқли ишбилармонлар ва санъат арбоблари иштирок этди. Шоҳ Довуд унвонига бир пайтлар АҚШнинг собиқ Президенти Рональд Рейган, машҳур кинорежиссёр Стивен Спилберг, Буюк Британия собиқ Бош вазири Маргарет Тэтчер сазовор бўлган.

* * *

☑ Японияннинг Окинава префектураси губернатори Масахидэ Ота Вашингтон иқтисодий стратегия институтида нутқ сўзлаб, 2015 йилга қадар барча америкалик ҳарбийлар Окинава оролини тарк этишини талаб қилди. Маълумки, Окинавада жойлашган Америка базаларида 28 минг ҳарбий хизмат қилади. Масахидэ Отанинг фикрича, америкалик ҳарбийлар маҳаллий аҳолига нисбатан ҳамиша ёмон муносабатда бўлиб келган. 1972 йилдан буён Америка аскарлари 111 нафар маҳаллий қизга нисбатан «ахлоқсизлик» қилган.

* * *

☑ Чехия НАТОга кириш учун тайёрланмоқда. Чехия армияни такомиллаштириш учун энг замонавий техника намуналарини сотиб олмоқда. Бундан ташқари, Чехия четга қурол экспорт қилиш бўйича жаҳонда 9 ўринни эгаллаб турибди. Женевада чиқадиган «Нуво котидьен» газетасининг ёзишича, Шарқий Европадаги бошқа давлатлардан фарқли равишда, Чехияда ҳарбий саноат мамлакат иқтисодиётининг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади.

* * *

☑ Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Европа иттифоқининг Техронга нисбатан қўллаётган «дипломатия жазо»сини «номигагина» ўтказилаётган бир тадбир, дея баҳолади. Маълумки, Берлин суди Эрон ҳукуматини 1992 йили мазкур шаҳарда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатига алоқадорликда айблади. Айбномада Эрон ҳукуматига мухолифатдаги 4 нафар кишининг ўлимида Техроннинг қўли борлиги айтилган.

ҚАДИМИЙ ЭЛЛАДА ЁДГОРЛИГИ. **Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.**

ЭР-ХОТИН КЛИНТОНЛАР БОЙИБ КЕТИШГАНИНИ ТАСДИҚЛАШАДИ

Оқ уй ҳамиша ўз соҳибларининг оилавий бюджетини яшироолмайдиган даражада «мусаффо» бўлган. Ахир, америкаликлар ўз раҳнамолари ҳамёнидаги маблағни ҳисоб-китоб қилишни уддалашади ҳам, буни яхши ҳам кўришади. Куни-кеча жамоатчилик эътиборига, Америка «биринчи»ларининг 1996 йилги биргаликдаги даромади 1,065,101 долларни ташкил этгани маълум қилинди. Бу эса уларнинг 1995 йилдаги даромади — 316.074 доллардан уч баробар кўпдир.

Бунда «Бутун дунё билан» китоби учун 750 минг доллар гонорар олган Ҳиллари асосий боқувчи бўлмоқда. Маълумки, АҚШ Президентининг маоши, штат жадвалига кўра, 200 минг долларни ташкил этади. Тўғриси, Клинтон ҳам узоқ 1992 йилда Калифорния телевидениесида чиқиш қилгани учун 57 доллар гонорар олган.

Клинтонлар оиласининг «Бостон Харбор Траст» компанияси траст бошқарувига давлат хизматчиси мажбуриятини бажариш чоғида ўтказилган молиявий маблағидан 100 минг доллардан кўпроқ дивиденд олинди.

Билл ва Ҳилларининг 17 ёшли қизи Челсига ҳам аллақачон марҳум бувиси Вирджиния Келли китоби учун гонорар олаётгани сабабли солиқ хизмати олдида ҳисоб-китоб қилишига тўғри келди.

Мухбирларнинг Президент ўзини йирик маблағ эгаси сифатида бахтиёр санайдими, деган саволига Оқ уй вакили Майк Маккэри қатъий қилиб «йўқ» деб жавоб қайтарди, чунки Билл Клинтоннинг ўз қораловчилари ва суд жараёни билан боғлиқ можаролари давом этмоқда. Бунга адвокатлар учун ҳам сарфланаётган маблағни қўшганда барча харажатлар 2 миллион 250 минг долларга етди. Бу қарз ҳали ҳам Президентнинг бўйнида турибди.

Ривожланган давлатларда солиқ хизмати фуқароларнинг, айниқса ёлланган меҳнат хизматчиларининг даромадини аниқлашда барча воситаларга эга. Ишга ёлловчилар, касаба уюшмалари, банклар, суғурта компаниялари, акционерлик жамиятлари бераётган дивидендлар тўғрисидаги ахборотлар маълумотлар банкида тўпланади. Кимда ким федерал ҳукумат ёки штат хазинасига лозим бўлган солиқни тўламаса — жазоланади.

Шундай экан Халқаро валюта фонди ижрочи директори Мишель Камдессю Кремль раҳбарларига демократия халқнинг солиқ тўлашга розилигини ҳам қамраб олишини уқтирар экан, айни пайтда у ўша Қўшма Штатларда фуқароларнинг қонунларга намунавий риоя этишлари қандай тариқа юзага келганини, бу туғма хусусиятлигини ҳамда солиқ назоратчиси олдидаги «олийжаноб чўчишнинг уйғунлиги» эканини уқтиришни унутади.

Кўп йиллар илгари ўз даромадини яширгани ва солиқ тўламагани тўғрисида шубҳалар пайдо бўлгани учун Билл Клинтон, мана кўп ойлардан буён қаттиққўл судьяларни ўзининг пок ва ҳаллолликига ишонтирмоқчи бўлиб кўрсатмалар беряпти.

(«Известия» газетасининг шу йил 16 апрель сонидан).

ХОРИЖ ГАЗЕТАЛАРИ ЁЗАДИ

«КРИСЧИАН САЕЙНЗ МОНИТОР». Америкада чиқадиган бу газетанинг ёзишича, яқин ўн йиллар ичида Бразилия келажак мамлакатига айланади. Кўпгина ғарблик таҳлилчилар Бразилиянинг улкан мамлакат ҳисоблаб, тез орада у халқаро доираларда марказий ўринни эгаллашини айтишмоқда. Гап шундаки, бугунга келиб Бразилия жаҳондаги энг йирик беш мамлакатлардан бири ҳисобланади. Унинг ҳудуди қарийб 3 миллион квадрат милни ташкил этади. Аҳоли сон жиҳатидан ҳам у олтинчи ўринда туради. Бундан ташқари Бразилия ўзининг тропик ўрмонлари ва ноёб турдаги қушлари билан ҳам дунёга машҳур. Лекин газетанинг ёзишича, улкан миллат бўлишдек табиат иньом этган имкониятга қарамай кўплаб бразилияликлар фақат ўрта таълим маълумотига эгадирлар. Айримлари эса умуман ўқиш ва ёзишни билишмайди.

***

«ТАЙМС». Мазкур газетанинг ёзишича, Франциядаги энг машҳур «Максим» ресторани эгаси Пьер Карден ким ошди савдосида 8 минг дона шиша ноёб вино хилларини сотиш ниятида. Бир шиша винонинг бошланғич баҳоси, мутахассислар фикрича, ўртача 3-4 минг фунт стерлингни ташкил этади. Бироқ, мақола муаллифининг таъкидлашига қараганда, кимошди савдосига бундай ҳажмдаги ўзининг севимли виноларини қўйишга Пьер Карденни пулга ўчлик эмас, балки ўз ресторанининг илгариги шуҳратини тиклаш мажбур этмоқда. Чунки, кейинги пайтда «Максим» ресторанига ташриф буюрувчи хўрандалар сони камайиб кетган эди-да.

СИЗНИ СОҒИНАРМАН...

Изимда оташсўз шоира қизлар...
Зулфия.

Сизни соғинарман байрамларда,
Ёмғир шивалаган кўкламларда.
Давраларда, лутфу карамларда,
Иссиқ юзингизни кўргим келадир.

Аллоҳдан ғанимат инъом тонгларда,
Намозшомгулидай сирли шомларда.
Илҳом шалолали ҳур пайғомларда,
Иссиқ юзингизни кўргим келадир.

Янги шеър ўқишиб қўнғироқларда,
Ўгитингиз тинглаб жон қулоқларда.
Шифо симиргандай соф булоқлардан,
Ғойибона суҳбат қургим келадир.

Кўкси, кўнгли тўла эзгулик, зиё,
Қайда гуллар энди ул меҳригиё?
Дунёга бир келди-кетди Зулфия,
Баҳордай қайтмайди, дегим келади.

Ойдин ҲОЖИЕВА.

«ФУТБОЛЧИ ТУРНА ЭМАСКИ...»

Футбол

Узун туманининг ҳокими Сафар Ҳасанов бир мунозарада: «Футболчи турна эмаски, парвозини иссиқ гўша томон шайлаб турса», деган гапни айтди.

Ҳасанов бу гапни ихтиёр этишининг боиси шундай: Узунда иқтидорли ўйинчиларни учирма қилган футбол мактаби бўлган. Ҳозир мамлакатимизнинг нуфузли командаларида тўп сураётган ака-ука Бозоровлар (Равшан, Алишер, Бахтиёр), Рустам Асқаров, Абдунаби Тоиров, Элдор Аҳтамов, Тўлқин Ҳамроевлар шу мактабда вояга етишган.

Ҳа, Узунда яхши мактаб бор эдию яхши жамоа йўқ эди. Ҳокимнинг «бўл-бўл»ли билан бултур яхшигина жамоа бўй кўрсатди. «Яхшигина» деганимиз шуки, жамоа вилоят чемпионатида қатнашиб учинчи ўринни эгаллади. Тетапоя бўлди. Узунликлар бу жамоага эътибор қилишди. 2 миллион сўмга ўйингоҳ таъмирланди. Хусусий фирмалар 400 минг сўмга яқин маблағ билан сийлашди. Ўйингоҳ гавжум, ўйинлар қизиқарли, кайфиятлар чоғ, ишонч мустаҳкам. Ниятни айтинг: 1997 йили биринчиликка чиқиш. Футболчиларни ҳамма қувватлаб турган пайтда «Узун»дан икки ўйинчи иссиқ нону иссиқ гўжа излаб, бошқа жамоаларга ўтиб кетишди, деган гапни эшитгандан кейин (клуб мудири Ю. Теннинг айтишича, бултур 5 ўйинчи кетиб қолган экан) одамлар ҳокимнинг аламзадали гапини маъқул топдилар.

Гап ерда қолмайди, гап эгасини топади. Ориятли йигит гапдан безовта тортади.

«Сурхон»га кетиб қолган Ҳасанжон Жўраев бу гапни эшитиб, яна «Узун»га қайтди. Ҳасанжон айтадики, «Сурхон»да ўйнайдиганлар 10-30 минг сўмгача маош олишади. Ғалаба учун мукофотлар, гол учун мукофотлар. Бошқа шароитлар (шунча сийловдан сўнг «Сурхон» олий лигада палак ёзиб кетолсинда). Лекин йигитнинг ўзи туғилиб ўсган гузарнинг шарафи учун жон куйдириши фахрлидир.

Футболчининг шоирона айтган бу гапларини эшитиб, Сафар Ҳасанов унинг қўлини сиқди. Ҳасанжоннинг гапи Узунда овоза бўлди. Ўйингоҳ яна гавжум. Ишончлар яна мустаҳкам. Соврин таъсисчилари кўпайганини айтинг: бири — яхши ўйин учун, иккинчиси — чиройли гол учун, учинчиси — сафардаги ғалаба учун.

Ўйин бўладиган кунлари Узунда ҳамманинг чеҳраси ёришиб кетгандай бўлади. Ҳа, ҳақиқий ўғлонлар юртдошларининг чеҳрасини очиб, кайфиятини чоғ қиладилар-да.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 17-aprel, payshanba № 46 (22.130).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0211

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

★ *Очдан ўлганнинг мозори йўқ.*

★ *Дангаса деҳқон — кетмонини ёмонлар.*

★ *Ҳаяжонда режа тузма, шошилганда ваъда берма.*

★ *Аввалини бергунча охирини берсин.*

★ *Кўшнимнинг оши — жанжалнинг боши.*

★ *Беамр ари ҳам чақмайди.*

★ *Жаҳл чиққанда, ақл кетади.*

★ *Эҳтирос жўш урганда, ақл чироғи хиралашади.*

★ *Доно хотин — уй кўрки.*

★ *Бетаъма ишқ анқо,*
Беминнат иш танҳо.

★ *Ақл ўлчови — сўз, сўз ўлчови — нақл.*

★ *Киприк бўл, қош бўл, соч бўлма, соқол бўлма.*

★ *Бой буванинг оши бор, ош ичида тоши бор.*

Юнус ЗИЁДОВ тўплаган.



АЙ-СЕЛЬ



ҚУРИЛИШ, ПУДРАТ, ТИЖОРАТ КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон ҳукуматини ва бутун ўзбек халқини яқинлашиб келаётган Ийди Қурбон ҳайити муносабати билан қизғин муборакбод этади!
Шу фурсатдан фойдаланиб икки мамлакат халқига тинчлик, хотиржамлик, ишларида қут-барака тилаймиз!

Ай-сель

ҚУРИЛИШ, ПУДРАТ, ТИЖОРАТ КО. ИНК

Ay-sel

İNSAAT TAAHHUT VE TİCARET A.S.

ЎЗИНГГА ИШОН

Таниш-нотаниш одамлар

Бугунги суҳбатдошим машҳур файласуф ёки таниқли хонанда эмас, оддийгина аёл. Малоҳатхон Назарова.Тошкент шаҳар Аҳмад Югнакий даҳасидаги 32-маҳалла қўмитаси қошида очилган сартарошхона ходимаси. Мучали — тўғриз, қисқичбақа буржи остида Кўқонда туғилган. Малоҳатхон опа бир ўғил ва бир қизини тарбиялямокда. У қишдан бошқа барча фаслларни бирдек ёқтиради. Умар Хайёмнинг рубоийларини ва Ботир Зокировнинг қўшиқларини жуда-жуда қадрлайди.

— *Малоҳат опа, бахтсиз одамларга муносабатингиз қанақа?*

— Агар кимда-ким ўзини бахтсиз ҳисоблар экан, мен бунинг учун атрофдагилар эмас, балки ўша одамнинг фақат ўзи айбдор деб ҳисоблайман. Қолаверса, ҳар қандай шароитда одамзот ўзини қўлга олиши ва энг оғир кунларга тайёрлаб қўйган бўлиши керак. Сиз билан бизга бахтиёр, кам-кўстсиз кўринган инсонларнинг ҳам киши билмас дардлари бўлади. Биз уларни бехосдан тирнаб юбормаслигимиз лозим. Бахтсизлар оҳ-воҳ қилгани билан ҳеч нарса ўзгармайди, кўнгиллари бузилгани қолади, холос.

— *Сиз 17 йилдан буён фарзандларингиз билан бир ўзингиз яшайсиз. Шундан ҳеч афсусланасизми?*

— Тўғрисини айтсам, афсусланишга вақт йўқ. Ҳамиша бандман. Болаларимни ўкситганим йўқ. Бошқалардан ортиқ ё кам қилганим йўқ. Акмал — санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаевнинг шогирди. Қизим Умида техника бўйича ихтисослашган махсус лицейда таълим олмоқда. Хуллас, эл қатори яшаяпмиз. Лекин бир нарсани айтиб қўйишим мумкинки, агар ҳозирги ақлим ўша пайтларда бўлганда азбаройи фарзандларим учун оиламни сақлаб қолишга ҳаракат қилган бўлардим. Лекин энди орқага йўл йўқ.

— *Эркакларнинг юмушларини қиладиган хотинлар ёқмайдими сизга?*

— Нега энди! Уларни тушуниш керак, деб ўйлайман. Ўзим ҳам рўзғордаги эркак қилиши керак бўлган ишларни ҳамиша қиламан. Уларга тан бериш керак. Улар ҳавасгамас, зарурат туфайли бундай юмушларни зиммаларига оладилар.

— *Тушкунликка тушган пайтларингизда қандай йўл тутасиз?*

— Мен нолишни ёмон кўраман. Ишда одамлар орасида юрганимда ёлғизлигимни ҳам унутиб юбораман. Ҳатто касал бўлиб қолсам ҳам уйда кўрпа-тўшак қилиб ётолмайман, дори-пори ичиб дарров кўчага чиқиб кетаман. Ишларим унчалик юришмай қолса, ё касал пайтларимда ҳам кўп эзилмайман. Ўзимни дарров қўлга олишга куч топаман.

— *Малоҳат опа, пардозхонага аёлларга нисбатан кўпроқ эркаклар мурожаат қилишади. Уларнинг сочларини ювиш, кесиш, пардозлаш сизга ҳеч малол келмайдими?*

— Мен учун мижозларим эркакми - аёлми, фарқи йўқ. Муҳими, улар менинг хизматимдан мамнун кайфиятда, берган пулларига рози бўлиб чиқиб кетишларида... Сочлари пала-партиш одамларни кўча-кўйда учратиб қолсам ҳам ғашим келади. Йўлини топиб эҳтиёткорлик билан уларга дурустроқ маслаҳат беришга ҳаракат қиламан.Одамлар нима деса деяверсин, касбимни яхши кўрсам, нима қилай! Қўлимга бир кун қайчи билан тароқ ушламасам тўйиб ухламаган одамдай карахт бўлиб юраман. Бир нарсадан кўнглим равшанки, менга мурожаат қилган ҳар бир инсон ҳузуримдан жуда-жуда чиройли бўлиб, руҳан юксалиб чиқиб кетади.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА суҳбатлашди.

АЙЁМОНА ЎЙЛАНМА

Азиз муштарий! Эътиборингизга ҳавола этилган ушбу машқ Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Ҳикмат садолари» туркум шеърлари асосида тузилган. Аввал шеърий мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. «Ибодат» шеъридан:

Дунё ишларига боқма ҳеч ҳайрон,
Жимгина назар сол 13, 10, 8, 7, 2, бу корга
Олис кечалари ёлғиз қолган он,
Дилингни оч фақат парвардигорга.

2. «Меърож» шеъридан:

Аршнинг 3, 23, 22, 23, 11 оти-нурқанот буроқ
Элтди Муҳаммадни 4, 22, 1, 20 даргоҳга
Тасвири жоизмас бу ҳолнинг, бироқ
Висол насиб этди Расуллоҳга.

3. «Ҳидоят йўли» шеъридан:

Ғойибдан 9, 2, 19, 6 кутиб ўлтирмоқ нечун,
Дастингга кор берди қалбингдаги 12, 21.
Заминда кўргазган қилмишинг учун
Осмонни маломат қилмоғинг бекор.

4. «Инсон» шеъридан:

Кўзингнинг ўнгида ўсгандек 15, 13, 1, 7
Раббим ҳам огоҳдир ҳар 14, 23, 17 ҳар ишдан.
Рўза-ю парҳезда муддат бор, лекин
Ҳамиша ҳазар қил ҳаром-ҳаришдан.

5. «Дуо» шеъридан:

Расул бир умматни алқаб доимо,
Шаънига дуолар айтгувчи эрди
Кўлинг 9, 2, 22, 2, 7, 5 бўлсин десалар, илло,
Кўлинг паст 6, 23, 18, 17, 2, 3, 1, 7 стра ҳам, дерди.
Расулга у хитоб қилди бир сафар:
— Гарчи мен тангрининг 4, 6, 16, 2, 7 тошиман,
Сиз менга доимо тилайсиз зафар,
Гўё мен қандайдир лашкарбошиман.
Расулуллоҳ деди: — Тингла, эй уммат,
Ёнган чироғингга дуо пиликдир.
Кўлинг баланд бўлса, билки, бу — неъмат,
Кўлинг 24, 2, 3, 6 тушмоғи тиланчиликдир.

Энди шаклдаги рақамларни жавоб сўзлари асосида таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Ундан шоирнинг «Ҳикмат садолари» туркум шеъридан тўрт мисраси аён бўлади. Биласизми, ушбу шеър қандай ном билан аталади?

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

47-мактаб коллежи томонидан 1992 йилда Марина Владимировна РОДИОНОВА номига берилган №031543 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг «Чорсу» ташқи иқтисодий сайёҳлик ишлаб чиқариш мажмуи

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Ангрен ширкат жамоа хўжалигига берилган Дон-002 рақами 0003030, 1996 йилда чиқарилган қиймати 50.000 (эллик минг) сўмлик йўқолган оддий вексель

БЕКОР ҚИЛИНАДИ